

**ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.13/30.12.2019.Т.07.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ АХБОРОТ-КОММУНИКАЦИЯ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ
ИЛМИЙ-ИННОВАЦИОН МАРКАЗИ**

РАХИМБОЕВ ХИКМАТ ЖУМАНАЗАРОВИЧ

**МАҲАЛЛИЙ ЎЗ – ЎЗИНИ БОШҚАРИШ ОРГАНЛАРИДА
МОНИТОРИНГ ВА ҚАРОР ҚАБУЛ ҚИЛИШГА КЎМАКЛАШУВЧИ
АЛГОРИТМЛАР**

05.01.02 – Тизимли таҳлил, бошқарув ва ахборотни қайта ишлаш

**ТЕХНИКА ФАҲЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Рахимбоев Хикмат Жуманазарович

Маҳаллий ўз – ўзини бошқариш органларида мониторинг ва қарор қабул қилишга қўмаклашувчи алгоритмлар 3

Рахимбоев Хикмат Жуманазарович

Алгоритмы мониторинга и поддержки принятия решений в местных органах самоуправления 22

Rakhimboev Khikmat Jumanazarovich

Algorithms monitoring and supporting decision-making in local self-government bodies 40

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works43

**ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.13/30.12.2019.Т.07.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ АХБОРОТ-КОММУНИКАЦИЯ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ
ИЛМИЙ-ИННОВАЦИОН МАРКАЗИ**

РАХИМБОЕВ ХИКМАТ ЖУМАНАЗАРОВИЧ

**МАҲАЛЛИЙ ЎЗ – ЎЗИНИ БОШҚАРИШ ОРГАНЛАРИДА
МОНИТОРИНГ ВА ҚАРОР ҚАБУЛ ҚИЛИШГА КЎМАКЛАШУВЧИ
АЛГОРИТМЛАР**

05.01.02 – Тизимли таҳлил, бошқарув ва ахборотни қайта ишлаш

**ТЕХНИКА ФАҲЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2021.1.PhD/Т2076 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент ахборот технологиялари университети ҳузуридаги Ахборот-коммуникация технологиялари илмий-инновацион марказида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.tuit.uz) ва "Ziyonet" Ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Исмаилов Мирхалил Агзамович
техника фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Бобомурадов Озод Жўраевич
техника фанлари доктори

Сулюкова Лариса Фаритовна
техника фанлари доктори

Етакчи ташкилот:

Тошкент давлат техника университети

Диссертация ҳимояси Тошкент ахборот технологиялари университети ҳузуридаги DSc.13/30.12.2019.Т.07.01 Илмий кенгашнинг 2021 йил «26» ноябр соат 16⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100202, Тошкент шаҳри, Амир Темур кўчаси, 108-уй. Тел.: (99871) 238-64-43, факс: (99871) 238-65-52, e-mail: tuit@tuit.uz).

Диссертация билан Тошкент ахборот технологиялари университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (229 рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100202, Тошкент шаҳри, Амир Темур кўчаси, 108-уй. Тел.: (99871) 238-65-44).

Диссертация автореферати 2021 йил «10» ноябр да тарқатилди.
(2021 йил «27» октябр даги 35 - рақамли реестр баённомаси).



Р.Х.Хамдамов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, техника фанлари доктори, профессор

Ф.М.Нуралиев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, техника фанлари доктори, доцент

А.В. Қабулов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, техника фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон мамлакатларининг катта кўпчилигида давлат бошқарувининг муҳим масалалардан бири бу фуқароларнинг турмуш даражаси ва сифатини ошириш, ҳамда унга катта эътибор қаратилётганлигидир. Ушбу вазифаларни ҳал қилиш ёндошувларидан бири бошқаришнинг сифати ва аҳоли турмуш даражасини яхшилаш омили сифатида замонавий ахборот технологияларини жорий этиш, электрон ҳукумат тизимини ривожлантириш, ахборот-коммуникация технологияларини қўллаган ҳолда бошқарув тизимларини яратиш, мониторингни ташкил этиш, бошқарув қарорлари ва режаларини қабул қилишдан иборат. Дунё мамлакатларида аҳоли турмуш даражасини баҳолаш ва уни бошқариш билан узига хос баҳолаш усул ва воситаларига эга бўлган ташкилотлар шуғулланади. Улар орасида энг кенг тарқалгани Бирлашган Миллатлар ташкилоти, Numbeo, Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти ва бошқалардир. Хорижий мамлакатларда, айниқса, Германия, Нидерландия, Норвегия, Швейцария, Франция, Финляндия, Эстония, Полша, Буюк Британия ва Россия Федерациясида аҳоли турмуш даражасини ва уни бошқаришга қаратилган фан ва технологиянинг ютуқларидан фойдаланган ҳолда мониторинглаш, бошқарув қарорлари ва тараққиёт дастурларни ишлаб чиқишга катта эътибор қаратилмоқда.

Жаҳонда ҳозирги ижтимоий-иқтисодий шароитда ҳам иқтисодий, ҳам ижтимоий соҳаларда бошқарув қарорларини қабул қилишда миқдор ва ноаниқлик факторлари юқори даражада эканлиги кузатилмоқда. Аниқ шакллантирилмаган бошқарув мақсадлари ва уларга эришиш самарадорлигини баҳолаш мезонлари, комплекс муаммоларни ҳал қилишда тармоқлараро «узилишлар», қарор қабул қилишдаги ахборот таъминотининг номутаносиблиги ва тўлиқмаслиги бошқарув самарадорлигини пасайтиради. Ушбу муаммоларни ҳал қилиш нафақат бошқарув жараёнини амалий, балки илмий жиҳатдан такомиллаштиришни, шу жумладан, маълумотларни интеллектуал таҳлил этиш усуллари ва алгоритмларини қўллаш орқали бошқарув қарорларини қабул қилишни қўллаб-қувватлаш тизимларидан фойдаланиш заруратини вужудга келтиради.

Республикада фуқароларнинг ўз – ўзини бошқариш органлари фаолияти самарадорлигини ошириш, ўз – ўзини бошқариш органларини аҳолига яқинлаштириш, жамият ҳаётида маҳалланинг ролини кучайтириш ва фуқаролар йиғинларининг умумий манфаатларини аҳоли турмуш сифатини оширишга қаратилган халқ тузилмаси сифатида шакллантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида маҳалланинг ролини кучайтириш, жумладан, «маҳалла институтининг жамият бошқарувидаги ўрни ва фаолияти самарадорлигини ошириш, ... замонавий

ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш»¹ бўйича бир қатор вазифалар белгиланган. Шу нуқтаи назардан, аҳоли турмуш даражасини ошириш, уларнинг муммоларини ечиш, маҳаллий бошқарув органларининг ўрни ва фаолияти самарадорлигини оширишда, уларнинг фаолиятини мониторинглашда замонавий техник воситаларни ва маълумотларни қайта ишлашнинг интеллектуал усул ва алгоритмларини қўллаш ниҳоятда долзарб масала ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ва 2020 йил 18 февралдаги ПФ-5938-сон «Жамиятда ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштириш, маҳалла институтини янада қўллаб-қувватлаш ҳамда оила ва хотин-қизлар билан ишлаш тизимини янги даражага олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонлари, ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 14 августдаги 485-сонли «Фуқаролар йиғинлари фаолияти самарадорлигини баҳолашнинг рейтинг тизимини такомиллаштириш тўғрисида»ги қарори ҳамда жорий фаолиятга оид бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу тадқиқот муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг IV. «Ахборотлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ташкилий тузилмали тизимларни, хусусан ўз-ўзини бошқариш органларини тадқиқ қилиш, бошқарув ва қарорлар қабул қилишда мақсадларни белгилаш, таълимни бошқариш масалалари ҳақида нашр этилган илмий ишларнинг таҳлили тизимли ёндашув, тизим таҳлили ва қарорлар қабул қилиш назарияси каби бир қатор илғор илмий йўналишларни ва тадқиқот усулларини, ҳамда етакчи тадқиқотчиларни аниқлашга имкон берди. Ушбу илмий тадқиқот йўналишида С.А. Айвазян, В.Б. Зотов, Д.А.Новиков, М.Н. Афанасьева, С.С.Аггарвал, Е.С.Бернера, Р. Акофф, В.И.Васильев, Ю.И.Журавлев, Л.Фон Берталанфи, Дж Бьюкенен, М.Вебер, Н. Виннер, П. Драккер, Э. Квейд, Дж. Марч, У. Нисканен, С. Пайпс, Г. Таллок, Ф. Тейлор, Г. Саймон, А. Файоль, Ф. Эмэри, К. Эрроу, Л.А.Растрингин ва бошқа етакчи олимлар маълумотларнинг интеллектуал таҳлил асосида кластерлаш ва башоратлаш, вақтли қаторларни башоратлаш, объектларни синфларга ажратишга қаратилган илмий тадқиқот ишларини олиб борган.

С.А. Айвазян, В.Б. Зотов, Д.А. Новиковлар илмий тадқиқотларида маҳаллий ўз – ўзини бошқариш органларининг моҳияти ва муаммолари, ҳолатини баҳолаш ва бошқарув қарорларини қабул қилиш жараёни

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантиришининг Ҳаракатлар стратегияси тўғрисидаги» Фармони

(режалаштириш, ташкил этиш, рағбатлантириш ва назорат қилиш функцияларини амалга оширишдаги), аҳоли турмуш даражаси ва сифатини характерловчи калит индикаторларни танлаб, ўлчаб, талқин қилиш ва қайта ишлаб билан боғлиқ масалаларни ўрганиб чиқишган. А.А. Барсегян, В.Н. Вапник, В.И. Васильев, Ю.И. Журавлев, Н.Г. Загоруйко, Г.С. Лбов, Л.А. Растринларнинг илмий ишларида образларни таниш, объектларни кластерлаш ва синфлаштириш, башоратлаш ва қарор қабул қилиш тизимларида нейрон тармоғини қўллаш масалалари ўрганилган. Шунингдек, Республикамизда В.К. Қабулов, Н.Р. Юсупбеков, Р.Х.Хамдамов, М.М. Камиллов, Т.Ф. Бекмуратов, Ш.Х. Фазилов, М.А. Рахматуллаев, Н.А. Игнатъев, Д.Т. Мухамедиева, Р.Н. Усманов, А.Р. Ахатов каби олим ва тадқиқотчилар бу йўналишдаги илмий тадқиқотларга ўз хиссаларини қўшишган.

Бугунги кунга қадар ўз-ўзини бошқариш органлари фаолиятини мониторинглаш усуллари ва алгоритмлари, ҳамда аҳолининг турмуш даражаси ва сифатининг индикатив кўрсаткичларини интеллектуал таҳлил қилиш асосида қарор қабул қилишни қўллаб-қувватлаш тизимлари етарли даражада ўрганилмаган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университети хузуридаги ахборот-коммуникация технологиялари илмий-инновацион марказининг илмий-тадқиқот ишлари режасининг КА-5-004 +(А5-042) - «Турли жинсли характерга эга технологик объектларни ташхисловчи интеллектуал тизимнинг модель, алгоритм ва дастурий воисталарини ишлаб чиқиш» (2015-2017 йй.) мавзусидаги лойиҳа доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади аҳоли турмуш даражасини яхшилашда машинали ўқитиш аппаратини қўллаган ҳолда ўз-ўзини бошқариш органларини мониторинглаш ва қарор қабул қилишга кўмаклашувчи тизимнинг самарали алгоритмлари ва дастурий воситасини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

тадқиқот объектининг ҳолатини акс эттирувчи индикатив маълумотлар таркибини таҳлил қилиш;

машинали ўқитиш, мониторинг ва қарор қабул қилишга кўмаклашиш усуллари ва алгоритмларини таҳлил қилиш;

объектларни мониторинг қилиш масаласи учун индикатив кўрсаткичларни таҳлил қилиш асосида самарали модел ва алгоритмни ишлаб чиқиш, мониторинг натижаларини таҳлил қилиш

объектнинг алоҳида таркибий қисмлари ва бутун тизимнинг ҳолатини индикатив кўрсаткичларнинг вазн коэффициентларини инобатга олган ҳолда умумлаштирилган параметрик баҳолаш усуллари ва алгоритмларини ишлаб чиқиш;

ўз – ўзини бошқариш органларида қарор қабул қилишни қўллаб қувватлашнинг модел ва алгоритмларини ишлаб чиқиш;

ўз – ўзини бошқариш органларида мониторинг ва қарор қабул қилишни қўллаб қувватловчи автоматлаштирилган тизимнинг дастурий воситасини ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида маҳаллий ўз – ўзини бошқариш органлари олинган.

Тадқиқотнинг предмети ўз – ўзини бошқариш органларида мониторинг модел ва алгоритмлари, индикатив кўрсаткичлари асосида ҳолатни баҳолаш ва қарор қабул қилишни қўллаб қувватлашнинг усул ва алгоритмлари.

Тадқиқот усуллари. Тадқиқот жараёнида бошқариш назарияси, автоматлаштирилган ахборот тизимларини қуриш назарияси, маълумотлар базаси назарияси, қарор қабул қилиш назарияси, маълумотларни компьютерда таҳлил қилиш, ҳамда тизимли таҳлил ва концептуал моделлаштириш усулларида фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

объектнинг индикатив кўрсаткичлари асосида кластерлаш алгоритми ишлаб чиқилган ва алгоритм натижаларини кластерли таҳлиллаш ёрдамида ўз-ўзини бошқариш органларини мониторинглаш амалга оширилган;

объект кўрсаткичларининг нисбий қийматлари ва вазн коэффициентларини инобатга олган ҳолда тизимнинг алоҳида функционал компонентлари ҳолатини ва ўз-ўзини бошқариш органларининг тўла интеграллашган фаолиятини умумлашган параметрик баҳолашнинг алгоритми ишлаб чиқилган;

маълумотларни машинали ўқитиш аппаратини қўллаган ҳолда ўз-ўзини бошқариш органларида қарор қабул қилишни қўллаб-қувватлаш модели ва алгоритмлари ишлаб чиқилган;

ишлаб чиқилган модель ва алгоритмларнинг сифат кўрсаткичларини солиштирма таҳлили асосида қабул қилинган қарорларни башоратловчи оптимал алгоритм синтезланган ва у асосида мониторинг ва бошқарув қарорларини қабул қилишга кўмаклашувчи тизимнинг дастурий воситалари ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

тизимдаги муаммоларни кўрсаткичлар билан боғлиқлик хусусиятларини аниқлаш ва объект ҳолатини яхшилаш учун бошқарув қарорларини башоратлаш имкониятини берувчи мониторинглаш, қарорларни қабул қилишни қўллаб-қувватлаш ва турли жинсли кўрсаткичлар асосида умумлашган баҳолаш жараёнларининг алгоритмлари ишлаб чиқилган;

маҳалла кўрсаткичларини жамлаш ва сақлаш, маҳалла мониторинги ва ҳолатини баҳолаш, шунингдек, маҳаллада аҳоли турмуш даражасини яхшилаш ва ошириш бўйича қарор қабул қилишни қўллаб – қувватлаш вазифаларини амалга оширувчи ахборот таҳлил тизимининг дастурий воситалари ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги қўйилган масаланинг математик жиҳатдан тўғри ифодаланиши; объектларни кластерлаш ва қарор қабул қилишга кўмаклашишда машинали ўқитиш усуллари тўғри қўлланилганлиги; маълумотларни қайта ишлашда синовдан ўтган усуллар ва алгоритмлардан фойдаланилганлиги; ишлаб чиқилган алгоритмларнинг мавжуд қонуниятларга адекватлиги, олинган натижаларнинг амалий қўлланилиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ўз-ўзини бошқариш органларини мониторинглаш ва қарор қабул қилишни қўллаб қувватлаш учун таклиф этилган ахборот-таҳлил тизимнинг маълумотлар базаси асосида мониторинглаш, фаолиятини умумлашган параметрик баҳолаш ва қабул қилинган қарорларни башоратлаш алгоритмларини ишлаб чиқилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти маҳалла институти ҳолатини ривожлантириш учун бошқарув қарорларини шакллантиришда унумдорлик ва тезкорликни ошириш имконини берувчи мониторинглаш, умумлашган параметрик баҳолаш ва бошқарув қарорларни башоратлаш алгоритмларини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ахборот таҳлил тизимининг тадқиқот ишида таклиф этилган кластерлаш ва башоратлашнинг модел ва алгоритмлари асосида яратилган дастурий воситаси асосида:

ўз-ўзини бошқариш органларининг кластерлаш алгоритми асосида мониторинглаш имкониятини берувчи ишлаб чиқилган дастурий восита Хоразм вилояти Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бошқармасида ва Шовот туман ҳокимлигида жорий қилинган (Ахборот технологиялари ва коммуникацияларни ривожлантириш вазирлигининг 2021 йил 9 апрелдаги 33-8/2533-сонли маълумотномаси). Тадқиқот натижаларини тадбиқ этилиши ўз-ўзини бошқариш органларини мониторинг жараёнини оптималлаштириш ва мониторинг асосида ўз-ўзини бошқариш органлари ҳолатини яхшилаш бўйича тезкор қарорларни шакллантириш имкониятини берган;

индикатив маълумотлар ва фаолият соҳаларининг умумлаштирилган баҳолари асосида ўз-ўзини бошқариш органларини мониторинглаш ва қарор қабул қилиш усуллари ва алгоритмлари Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек туман «Олимлар» маҳалласида ва Шовот туман «Бешмерган» маҳалласида жорий қилинган (Ахборот технологиялари ва коммуникацияларни ривожлантириш вазирлигининг 2021 йил 9 апрелдаги 33-8/2533-сонли маълумотномаси). Натижада дастлабки маълумотларни сақлаш ва қайта ишлаш, мониторинглаш ва бошқарув ечимларини шакллантириш жараёнларининг унумдорлигини 1,15 марта оширишга эришилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқотнинг назарий ва амалий натижалари 3 та халқаро ва 5 та республика илмий-амалий анжуманларида маъруза қилинган ва муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация

мавзуси бўйича жами 11 та илмий иш, шулардан – Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 4 та мақола, жами илмий ишларнинг 9 таси хорижий ва 2 таси республика журналларида нашр этилган. Шунингдек, ЭҲМ лар учун дастурий маҳсулотларга рўйхатдан ўтган 2 та гувоҳнома олинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертация ҳажми 110 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация ишининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, объект ва предмети тавсифланган, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **«Маҳаллий ўз-ўзини бошқариш органларида мониторинг ва қарор қабул қилишни қилишни қўллаб-қувватлаш масалалари»** деб номланган биринчи бобида маҳаллий ҳокимиятнинг тузилиши ва таркибий қисмлари: бошқарув объекти, субъекти ва предмети баён этилган. Ўз-ўзини бошқариш органларида мониторинг ва қарор қабул қилишни қўллаб-қувватлаш масалалари, дастлабки маълумотларни бирламчи қайта ишлаш усуллари ва ўз-ўзини бошқариш органлари фаолият соҳаларини мониторинг кўрсаткичларини шакллантириш, ўз-ўзини бошқариш органларининг ривожланиш ҳолатини башоратлаш ва мониторинглаш масалалари моделлари ва усуллари таҳлил қилинган, ҳудудни ривожлантириш мақсадида маълумотларни қайта ишлаш ва қарор қабул қилишни қўллаб қувватлашдаги замонавий ёндошувлар кўриб чиқилган.

Жамият ривожининг юқори суръати давлат бошқарувининг барча даражаларида оптималлаштиришни тақоза этади. Бунда энг заиф бўғин маҳаллий ўз-ўзини бошқариш органлари бўлиб, бу бошқарув тизими функцияларининг бузилиши сабабларидан биридир. Бу масала мониторинглаш, фаолиятни баҳолаш ва қарорларни қўллаб-қувватлаш жараёнини такомиллаштириш заруратини келтириб чиқаради. Пировард натижада бошқарув қарорларини қабул қилиш, мавжуд ресурслардан оқилона фойдаланиш ва пайдо бўлаётган муаммоларни тезкор ҳал этиш самарадорлигини сезиларли даражада оптималлаштиришга имконият яратади.

Ўз-ўзини бошқариш органларининг таркибий тузилиш схемаси, ҳолатини таҳлил қилиш ва баҳолаш йўналишлари берилган.

Жорий бобда бирламчи маълумотларни дастлабки қайта ишлаш ва ўз-ўзини бошқариш органлари фаолият соҳалари бўйича мониторинг кўрсаткичларини шакллантириш масаласи таҳлили ҳам келтирилган. Турли фаолият соҳалари ҳолатини характерловчи кўрсаткичлар таҳлили келтирилган: стандарт усуллар ёрдамида кўрсаткичларнинг минимал ва максимал қийматлари асосида нисбий шаклга келтириш усуллари ўрганилган.

Асосан таълим фаолияти кўрсаткичлари, ижтимоий муҳит параметрлари, ҳудуддаги жинойтчилик ва ҳуқуқбузарликларни баҳолаш кўрсаткичлари, жинойтчиликнинг ҳолати, жинойтчилик ва жиноий танглик даражаси каби кўрсаткичлар таҳлил этилган.

Кластер таҳлилининг усуллари ва алгоритмлари, ҳудудларнинг ривожланиш динамикасини кузатиш, ҳудудларда аҳоли турмуш даражаси ва сифатини баҳолаш усуллари, таснифлаш ва прогнозлаш масалалари, кластерлаш ва прогнозлаш моделлари сифатини баҳолаш усулларида фойдаланган ҳолда ҳудуд ривожланишини илмий башоратлаш, дастлабки маълумотларни қайта ишлаш, ҳамда мониторинглаш ва қарор қабул қилишни кўллаб-қувватлашнинг замонавий ёндашувлари таҳлил қилинган.

Илмий-тадқиқот ишининг масалалари формаллаштирилган. Илмий тадқиқотнинг асосий мақсади ўз – ўзини бошқариш органларининг муайян фаолият йўналишларининг (асосан, таълим, соғлиқни сақлаш, жинойтчилик, турмуш даражаси ва бошқалар) кўрсаткичлари асосида мониторинг модели ва алгоритми, ҳамда интеллектуал таҳлил ва машинали ўқитишга асосланган ҳолда яратилган алгоритмлар ёрдамида бошқарув таклифларини башоратлашдан иборат.

Диссертациннинг **«Ташкилий тузилмали тизим ҳолатини мониторинглаш ва баҳолаш моделлари ва алгоритмлари»** номли иккинчи бобида объектларнинг ривожланиш ҳолатини мониторинглаш алгоритми келтирилган. Бунда ўз-ўзини бошқариш органлари ўхшаш характерлари асосида кластерларга ажратилган, кластерлар таҳлили келтирилган, ҳамда кластерлашнинг сифат кўрсаткичи баҳоланган. Тадқиқот объекти ва унинг алоҳида фаолият йўналишларини статистик кўрсаткичлари асосида умумлашган интеграл баҳолаш модели ва алгоритми ишлаб чиқилган. Фаолият соҳаларининг ушбу алгоритм асосида олинган баҳолаш натижалари кейинчалик машинали ўқитиш асосида қарор қабул қилишга кўмаклашишда қўлланилади.

Ушбу бобнинг биринчи ва иккинчи параграфларида мониторинг объектини таркибий компонентларининг функцияларини ва мониторинг жараёнининг асосий мақсадларини аниқлаш, ҳамда мониторинглашни амалга оширувчи кластерлаш модели ва алгоритмининг қуриш назарда тутилган. Ўз-ўзини бошқариш органларининг ривожланиш ҳолатининг мониторинги сифатида тадқиқот объектларининг ҳолатини характерловчи статистик маълумотлар асосида кластерли таҳлил амалга оширилган.

Ўз-ўзини бошқариш органларини ривожланиш ҳолати ҳамда аҳоли турмуш даражаси ва сифатини мониторинглаш мақсадида амалга

ошириладиган кластерлаш жараёнида қўлланиладиган кўрсаткичлар таркиби аниқланди. Кўрсаткичларни коллинеарлик таҳлил қилиш натижасида айрим ўзгарувчилар истисно қилинган ва натижада объектларни тавсифловчи 60 та кўрсаткич асосида кластерлаш ва унинг таҳлили амалга оширилган.

Расман берилган маълумотларни кластерлаш масаласи қуйидагича ифодаланади: X объектлар тўплами берилган бўлиб, ўз навбатида улар атрибутлар тўплами билан ифодаланади. C кластерлар тўпламини қуриш, яъни X тўпламни C тўпламларга бириктирувчи F акслантирувчи қондани аниқлаш талаб этилади, $F: X \rightarrow C$. F акслантирувчи қоида маълумотлар моделини ифода этади ва масаланинг ечими ҳисобланади.

X объектлар тўплами қуйидагича аниқланган: $X = \{X_1, X_2, \dots, X_j, \dots, X_n\}$ ва ҳар бир объект $X_j = \{x_{j1}, x_{j2}, \dots, x_{jh}, \dots, x_{jm}\}$ параметрлар тўплами билан характерланади, бу ерда X_j — ўрганилаётган объект, x_{jh} — j -чи объектни характерловчи h — ўзгарувчи

Кластеризация масаласи қуйидаги тўпламни қуришдан иборат бўлади:

$$C = \{c_1, c_2, \dots, c_k, \dots, c_g\}.$$

Бу ерда c_k — кластер бўлиб, X тўпламдаги бир бирига яқин объектлар тўпламидан иборат:

$$C = \{X_j, X_p / X_j \in X, X_p \in X \text{ ва } \text{dist}(X_j, X_p) < \sigma\},$$

бу ерда σ — бир кластерга тегишли объектларни яқинлик ўлчовини белгиловчи қиймат; $\text{dist}(X_j, X_p)$ — масофа деб аталувчи объектлар орасидаги яқинлик ўлчови. Агар $\text{dist}(X_j, X_p)$ масофа бирор σ қийматдан кичик бўлса, у ҳолда элементлар бир-бирига яқин ҳисобланади ва битта кластерга тегишли бўлади, акс ҳолда элементлар бир-биридан фарқ қилади ва улар турли кластерларга тегишли бўлади.

Масаланинг юқоридаги формаллаштирилиши асосида мониторинг масаласини ечиш учун машинали ўқитишнинг *k-means* алгоритми танланган ва модификацияланган. Бу алгоритм ноиерархик ҳисобланади ва кластерлашнинг итератив усули қўлланилади.

Алгоритм қадамлари қуйидагилардан иборат:

1-қадам. Кластерларнинг бошланғич марказлари $\mu_i^{(0)}$ ва кластерлар сони k ўрнатилади. Марказларни ўрнатишда қуйидагича усул таклиф этилган: бошланғич марказларни аниқлаш учун ҳар бир берилган $X_i, i=1, \dots, n$ объектдан координата бошигача бўлган масофалар ҳисобланади. Объектлардан координата бошигача бўлган масофалар ўсиш тартибида сараланади ва k та тенг миқдордаги объектлардан иборат гуруҳларга ажратилади. Гуруҳлардаги марказий элементлар кластерларнинг бошланғич марказлари $\mu_i^{(0)} = \mu_i, i=1, \dots, k$ сифатида қабул қилинади.

2-қадам. Вектор кўринишидаги ўқитилувчи танлангани (объектларни) энг яқин марказ асосида кластерларга тақсимлаш:

$$\text{Итерация } t: \forall x_i \in X, i=1, \dots, n: x_i \in C_j \Leftrightarrow j = \underset{k}{\text{argmin}} \left(x_i, \mu_k^{(t-1)} \right)^2.$$

Бу қадамда $x_i \in X, i = 1, \dots, n$, объектлар ва μ_1, \dots, μ_k кластерлар марказлари орасидаги масофа Евклид формуласи асосида аниқланади:

$$v_1, v_2 \in R^d, \rho(v_1, v_2) = \|v_1 - v_2\| = \sqrt{\sum_{i=1}^d (v_{1,i} - v_{2,i})^2}$$

3-қадам. Кластерларнинг янги марказлари қайта ҳисобланади

Итерация $t: \forall i=1, \dots, k: \mu_i^t = \frac{1}{|S_i|} \sum_{x \in C_i} x$;

Бу қадамда кластерлар марказлари қуйидаги формула асосида қайта ҳисобланади $\mu = \frac{1}{|C|} \sum_{x \in C} x$;

Кластерлар учун янги марказларни ҳисоблаш: $\mu_i^{(t+1)} = \frac{1}{|C_i^{(t)}|} \sum_{x_j \in C_i^{(t)}} x_j$

4-қадам. Кластерлаш жараёнини тугатиш шартини текшириш.

Агар $\exists i \in \overline{1, k}: \mu_i^{(t)} \neq \mu_i^{(t-1)}$ бўлса, у ҳолда $t = t + 1$ ва 2 қадамга ўтиш;

Шаг 5. Ҳар бир $X = \{X_1, X_2, \dots, X_n\}$ объектлар учун j тегишлилик кластер белгиларини акс эттириш ва алгоритмни тугатиш.

Учинчи параграфда ўз-ўзини бошқариш органларидан иборат объектларни кластерлаш сифати таҳлил қилинади. Кўп сонли бўлган кластерлаш сифатини баҳолашнинг кластерлараро ва кластер ичидаги мезонларидан Данна индекси $D(X) = \frac{\min_{i \neq j} \{d(X_i, X_j)\}}{\max\{\Delta(X_i)\}_{1 \leq i \leq k}}$ ва Дэвис Болдуин

индекси $DB = \frac{1}{k} \sum_{i=1}^k R_i, R_i = \max\left(\frac{s(C_i) + s(C_j)}{d(C_i, C_j)}\right)$ усули қўлланилди.


Кластерлаш сифат кўрсаткичларини таҳлили якунида иккала кластерлаш сифат кўрсаткичлари 5 кластерга бўлиниш оптимал эканлигини тасдиқлади, яъни 5 та кластерга тақсимлаганда кластерлар орасидаги масофа максимал, кластер ичида объектлар сочилиши кичик бўлади.

Бобнинг тўртинчи параграфида бошқарув объекти ва унинг компонентлари ҳолатини умумлаштирилган баҳолаш модели ва алгоритми келтирилган. Фаолият соҳаси бўйича умумлаштирилган баҳолаш натижалари қарор қабул қилишни қўллаб-қувватлаш учун машинали ўқитишда қўлланилади.


Мураккаб тизимларда объектнинг алоҳида фаолият соҳалари ҳақидаги маълумотларни агрегирлашга (жамлашга) имкон берувчи умумлашган параметрик баҳолашдан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Бу вазифа статистик кўрсаткичларга асосланган бўлиб, шунингдек мураккаб ташкилий тузилмали тизимнинг эксперт баҳолари асосида ҳам ечилиши мумкин. Ҳолатини баҳолаш учун тадқиқот объектнинг соддалаштирилган моделидан фойдаланилди. Бунда объект модели ташкилий тузилмали тизимнинг параметрлари ўртасидаги функционал боғлиқликлари асосида қурилди.

Ўз-ўзини бошқариш тизимининг бутунча ва алоҳида компонентларини умумлашган параметрик баҳолашнинг босқичлари 1-расмда келтирилган.

Барча объектлар алоҳида фаолият соҳалари, уларнинг миқдорий хусусиятлари ва ҳолатларини тавсифловчи кўрсаткичлар тизими билан



1-расм. Объектни умумлаштирилган баҳолаш алгоритми



2-расм. Тизим ва унинг компонентларини умумлашган баҳолашда қўлланиладиган кўрсаткичлар тизими

тавсифланади. Кўрсаткичлар тизими, натижаларни белгиланиши ва объектнинг умумлашган схемаси 2-расмда келтирилган.

Тизим компонентларининг умумлашган баҳосини аниқлашда кўрсаткичларнинг вазн коэффициентларини ҳисобга олишнинг 3 хил ёндошувидан фойдаланилди. Биринчисида вазн коэффициентлари инобатга олинмайди. Иккинчи ва учинчи усулда экспертлар томонидан қўйилган балларни ранжирлаш ва балл бериш усуллари қўлланилди. Натижада объектнинг ҳар бир компонентини умумлаштирилган баҳосининг 3 хил қийматиغا эга бўлинди. Интеграллашган, яъни умумлаштирилган параметрик

баҳолар тизим ҳолатини башоратлаш ва баҳолаш учун етарли ҳисобланади.

Диссертациянинг «Қарор қабул қилишни қўллаб-қувватлаш моделлари ва алгоритмлари» номли учинчи боби қарорларни қўллаб-қувватлаш масаласини ечишга қаратилган. Бунда дастлабки маълумотлар сифатида II бобда ҳисоблаш учун модел ва алгоритми яратилган фаолият йўналишларининг умумлаштирилган параметрик баҳолари ва ушбу йўналишлар бўйича экспертларнинг баҳолари (қарорлари) қўлланилади. Экспертларнинг баҳолари сонли (фоиз) ва мос матнли қарор шаклида қабул қилинади. Ишлаб чиқилган модель ва алгоритмлар ушбу априор маълумотлар асосида янги объект ҳолатига мос экспертлар қарорларини эмпирик усулда башоратлаш масаласини ечишга қаратилган. Априор маълумотлар ҳар бир объектнинг фаолият соҳалари кўрсагичларининг вазн коэффициентларини ҳисоблашнинг 3 хил усули ёрдамида ҳисоблаб чиқилган қийматлари ва экспертларнинг объект ҳолатига мос сонли қийматлар кўринишида қарор таклифидан иборат. Қабул (таклиф) қилинган қарорларни янги объект учун башоратлаш учун ишлаб чиқилган модель ва алгоритмларининг сифат кўрсаткичларининг қиёсий таҳлили келтирилган.

Янги объект учун экспертлар томонидан таклиф этилган қарорларни башоратлаш учун машинали ўқитиш апартига асосланган модел ва алгоритмлар ишлаб чиқилган.

Биринчи параграфда қарор қабул қилишни қўллаб-қувватлаш (башоратлаш) масаласининг математик қўйилиши расмийлаштирилган. Умумий ҳолда машинали ўқитиш масаласининг қўйилиши қуйидагича ифодаланади: ўз – ўзини бошқариш органларининг фаолият йўналишларининг алоҳида 3 та усулда олинган умумлаштирилган баҳолари билан ифодаланган X объектлар тўплами ва объектларга экспертлар томонидан қўйилган (таклиф этилган) сонли кўринишдаги Y қарорлар тўлами берилган. Машинали ўқитиш тилида айтилганда $X = \{X_1, X_2, \dots, X_j, \dots, X_n\}$ ва $Y = \{Y_1, Y_2, \dots, Y_j, \dots, Y_n\}$ ўқитилувчи танламалар берилган.

Кирувчи ўқитилувчи танламалар учун $f: X \rightarrow Y$ кўринишидаги модел ва алгоритмни қуриш талаб этилади. Бу ерда $f(x)$ — ҳисоблаш қоидаси (decision function) — бутун X тўпламга мос $y'(x)$ яқинлашиш ёки аппроксимация.

Қоидага кўра, S ўқитилувчи танланмалар тўплами учун $f: X \rightarrow Y$ функцияни қуриш масаласини ечиш учун қуйидаги 2 та элементдан иборат модель қурилиши лозим:

-машинали ўқитиш моделининг биринчи элементи - $f_S\{x\} = f(X, \beta)$ функция ҳисобланади;

- ўқитувчи моделнинг бошқа компоненти ўқитиш алгоритми бўлиб, бу алгоритм шундай β қийматларни аниқлайди бунда $f: X \rightarrow Y$ тенглик билан ифодаланган f_S функция бирор оптимал хусусиятга эга бўлади.

Кўп жинсли чизиқли ва иккинчи тартибли полиномиаль регрессия ёрдамида ўқитувчи билан машинали ўқитишнинг (башоратлаш) модель ва алгоритмини қуриш масаласи кўриб чиқилган.

Кўп жинсли чизикли регрессияда 3 та эрки ўзгарувчи модель куйидаги кўринишга эга бўлади:

$$Y' = f(x, \beta) = \beta_0 + \beta_1 x_1 + \beta_2 x_2 + \dots + \beta_n x_n, \quad (1)$$

бу ерда b_i — регрессия параметрлари (коэффициентлари), x_j — регрессорлар (модел факторлари), k — моделнинг факторлар миқдори.

Регрессия тенгламасини куриш жараёни унинг параметрларни баҳолашдан иборат бўлади. Чизикли регрессия параметрларини баҳолаш учун энг кичик квадратлар усули қўлланилади.

Энг кичик квадратлар усули параметрларнинг шундай қийматларини аниқлайди, бунда берилган фактик Y қийматлар билан назарий ҳисобланган Y' қийматлар айирмасининг квадратлари йиғиндиси минимум бўлиши таъминланади, яъни:

$$S = \sum (Y' - Y)^2 \rightarrow \min \quad (2)$$

Кўйилган масалада эрки ўзгарувчилар 3 та, шу сабабли (1) ва (2) формула асосида куйидаги формулаларга эга бўламиз:

$$Y'_i = f(x, \beta) = \beta_0 + \beta_1 x_{i1} + \beta_2 x_{i2} + \beta_3 x_{i3}, \quad (3)$$

$$S = \sum (\beta_0 + \beta_1 x_{i1} + \beta_2 x_{i2} + \beta_3 x_{i3} - Y_i)^2 \rightarrow \min.$$

(3) формула билан берилган регрессион тенгламадаги $\beta_0, \beta_1, \beta_2, \beta_3$ параметрларнинг қийматлари берилган Y_i қиймат ва ҳисоблаш асосида топилган Y'_i орасидаги фарқлар квадратлари суммасини минималлик шарти асосида аниқланади.

Ҳар бир номаълум бўлган $\beta_0, \beta_1, \beta_2$ ва β_3 параметрлар бўйича минимумни топиш учун градиент ва стахостик градиент тушиш алгоритмларининг комбинацияси асосланган алгоритм ишлаб чиқилган. Бунда параметрлар ва уларни ўзгартириш қадами куйидаги формула билан ҳисобланади:

$$\begin{aligned} \begin{bmatrix} \beta_0 \\ \beta_1 \\ \beta_2 \\ \beta_3 \end{bmatrix} &= \begin{bmatrix} \beta_0 \\ \beta_1 \\ \beta_2 \\ \beta_3 \end{bmatrix} - \eta \begin{bmatrix} \frac{\partial}{\partial \beta_0} (\beta_0 + \beta_1 x_{i1} + \beta_2 x_{i2} + \beta_3 x_{i3} - y_i)^2 \\ \frac{\partial}{\partial \beta_1} (\beta_0 + \beta_1 x_{i1} + \beta_2 x_{i2} + \beta_3 x_{i3} - y_i)^2 \\ \frac{\partial}{\partial \beta_2} (\beta_0 + \beta_1 x_{i1} + \beta_2 x_{i2} + \beta_3 x_{i3} - y_i)^2 \\ \frac{\partial}{\partial \beta_3} (\beta_0 + \beta_1 x_{i1} + \beta_2 x_{i2} + \beta_3 x_{i3} - y_i)^2 \end{bmatrix} = \\ &= \begin{bmatrix} \beta_0 \\ \beta_1 \\ \beta_2 \\ \beta_3 \end{bmatrix} - 2\eta \begin{bmatrix} \beta_0 + \beta_1 x_{i1} + \beta_2 x_{i2} + \beta_3 x_{i3} - y_i \\ x_{i1} (\beta_0 + \beta_1 x_{i1} + \beta_2 x_{i2} + \beta_3 x_{i3} - y_i) \\ x_{i2} (\beta_0 + \beta_1 x_{i1} + \beta_2 x_{i2} + \beta_3 x_{i3} - y_i) \\ x_{i3} (\beta_0 + \beta_1 x_{i1} + \beta_2 x_{i2} + \beta_3 x_{i3} - y_i) \end{bmatrix}. \quad (4) \end{aligned}$$

Навбатда қаралган регрессия функцияси бу кўп жинсли 2-чи тартибли полиномиаль функция. Кўп жинсли полиномиаль регрессияда 3 та эрки ўзгарувчили функция куйидаги кўринишга эга бўлади:

$$Y_i' = f(X, \beta) = \beta_0 + \beta_1 x_{i1} + \beta_2 x_{i2} + \beta_3 x_{i3} + \beta_4 x_{i1}^2 + \beta_5 x_{i2}^2 + \beta_6 x_{i3}^2 \quad (5)$$

Кўп жинсли чизиқли регрессияни машинали ўқитишдаги каби регрессия тенгламасини куриш унинг параметрларини энг кичик квадратлар усулини кўллаш орқали баҳолашга олиб келинади:

$$S = \sum (\beta_0 + \beta_1 x_{i1} + \beta_2 x_{i2} + \beta_3 x_{i3} + \beta_4 x_{i1}^2 + \beta_5 x_{i2}^2 + \beta_6 x_{i3}^2 - Y_i)^2 \rightarrow \min$$

Умумлашган баҳолар ва экспертларнинг қарорларини регрессия ёрдамида машинали ўқитиш масаласини ечиш учун ишлаб чиқилган алгоритм куйидаги қадамлардан иборат:

1-қадам: ҳар бир объектнинг фаолият йўналиши учун ҳисобланган умумлаштирилган баҳолари ва экспертларнинг объектларга мос ечимларининг сонли кўриниши (ўқитилувчи танланма) $X[i, j]$ ва $Y[i]$ массивга юкланади, яъни эрки ва эрксиз факторлар матрицаси шакллантирилади;

2-қадам: башоратлаш функцияси танланади, β параметрларининг дастлабки қийматлари, ўқитиш қадами η , ҳисоблаш аниқликлари ε_1 ва ε_2 , ҳамда *Epochs* миқдори кўрсатилади;

3-қадам. Эпоха l , такрорлаш:

1. t итерация: ўқитилувчи танланманинг навбатдаги намунаси учун y' функциянинг чиқиш қиймати ва E хатолик ҳисобланади:

$$y' = f(x_i, \beta), \quad E_i = f(x_i, \beta) - y_i;$$

2. функция хосиласининг навбатдаги ўқитилувчи танланма намунасидаги қиймати асосида β параметрларнинг янги қийматлари аниқланади:

$$\beta = \beta - 2\eta x_i (\beta x_i - y_i);$$


4-қадам. Алгоритмни тугатиш шартини текшириш:

агар $\|\beta^{[l]} - \beta^{[l-1]}\| \leq \varepsilon_1$ ва $\left| \frac{1}{n} \sum |y' - y|^l - \frac{1}{n} \sum |y' - y|^{l-1} \right| \leq \varepsilon_2$ ёки $l = Epochs$ бўлса навбатдаги қадамга ўтиш, акс ҳолда $l = l + 1$ ва 3-қадамга ўтилсин;

5-қадам. β параметрларнинг қийматларини чиқариш, умумлашган баҳолари асосида янги объект учун y' қийматини ҳисоблаш ва бошқарув қарори сифатида берилган объектлар ичидан y қиймати y' қийматдан минимум фарқ қилувчи мос объектнинг бошқарув ечимини таклиф этиш, алгоритмни тугатиш.

Бобнинг иккинчи параграфиди ўқитилувчи танланамани машинали ўқитиш учун нейрон тўри модели қурилган. Персептрон нейрон тўри 3 та киришга (3 та усулда ҳисобланган ва 3 та фаолият соҳасининг умумлаштирилган баҳолари кириши учун) ва битта чиқишга (эксперт баҳолари) эга. Нейрон тармоғи иккита нейронли яширин қатламга эга (3-расм).

Ҳар бир нейрон учун бошқа нейрондан ёки киришдан келадиган $x_1 \dots x_n$ – кириш сигналлари мавжуд. $w_1 \dots w_n$ – киришларнинг вазнлари. Нейроннинг жорий ҳолати кирувчи қийматларни мос бўлган боғловчи синаптик вазнларига кўпайтмасини йиғиндиси билан аниқланади:



3-расм. Учта киришли персептрон нейрон тўри.

$$S_j = net_j = \sum_{i=1}^n x_{ij} w_{ij} - b,$$

бу ерда $n - j$ -чи нейронга киришлар сони; x_{ij} – j -нейронга i – киришнинг қиймати; w_{ij} – j -чи нейронга кирувчи i – синапснинг вазни, b – нейрон чегаравий қиймати. Нейрон чегаравий қийматини мавҳум бўлган x_0 киришга мос ва синаптик вазнларга эквивалент сифатида синаптик вазн сифатида тасаввур этиш мумкин. Агар фиктив равишда $w_0 = b$, $x_0 = -1$ танланса, нейронни 0 чегаравий қийматли ва яна битта кўшимча киришга эга деб тасаввур этилади:

$$S_j = net_j = \sum_{i=1}^n x_{ij} w_{ij} - b = \sum_{i=1}^n x_{ij} w_{ij} - x_{0j} w_{0j} = \sum_{i=0}^n x_{ij} w_{ij}.$$

Сунъий нейрон тўрининг иши кирувчи ўқитилувчи танланмани чиқувчи векторга ўзгартиришдан иборат. Бу ўзгартириш нейроннинг вазнлари билан белгиланади. Ўқитиш жараёни нейронларнинг вазнларини созлашни ўз ичига олади. Ўқитиш жараёнининг мақсади вазнларнинг шундай қийматини аниқлашдан иборат, бунда ўқитилувчи ва тестловчи танланмада чиқиш фарқлари минимал бўлиши керак. Барча нейронларда фаоллаштирувчи функция сифатида $(x) = \frac{1}{1+e^{-\alpha x}}$ сигмоид функция қўлланилади.

Нейрон тўрини ўқитишдаги асосий мақсад чиқувчи қийматларнинг мақсад қийматларидан фарқини минималлаштиришдан иборат. Хатолик функцияси энг кичик квадратлар усули асосида аниқланади:

$$E = \frac{1}{2} \sum_{i=1}^m (y_i - y'_i)^2 \rightarrow \min$$

Учинчи параграфда нейрон тўри ёрдамида машинали ўқитиш алгоритми ишлаб чиқилган. Кетма – кет ўқитиш ёндошуви (online learning) билан хатоликларни тескари қайта тақсимлаш (backpropagation) усулини қўллаган

ҳолда кўп қатламли тўғри тақсимланувчи нейрон тўрини ўқитиш асосий 3 та босқичдан иборат бўлади: 1) кирувчи ўқитилувчи танлангани тўғри тақсимлаш; 2) хатоликни аниқлаш ва уни тескари қайта тақсимлаш; 3) хатолик асосида боғловчи вазнлар қийматларини тузатиш.

Кейинги параграфда башоратлаш учун қурилган моделлар ва алгоритмлар натижаларини солиштирма таҳлили келтирилган. 3 та усул билан ҳисобланган 3 та тестловчи танланма асосида кўп жинсли чизиқли, 2-тартибли полиномиал функциялар ва нейрон тўри натижалари қиёсий таҳлили келтирилган. Қурилган ҳар бир 3 та модел ва алгоритмларнинг 3 хил усул билан ҳисобланган умумлаштирилган баҳолара асосида олинган натижаларининг ўртача квадратик хатолиги MSE, ўртача абсолют хатолик MAE, детерминация коэффициенти R^2 , фоизли ўртача абсолют хатолик MAPE қийматлари қиёсий таҳлили келтирилган. Таҳлил натижасига кўра персептрон нейрон тўри тизим компонентларининг умумлаштирилган баҳоларини ҳисоблашда вазн коэффициентлари инобатга олинмаган тестловчи танланмада бошқа моделларга нисбатан кичик хатоликларни кўрсатди. Демак қарор қабул қилишни қўллаб қувватлашда башоратлашни нейрон тўри ва умумлаштирилган баҳоларни ҳисоблашда кўрсаткичлар вазни инобатга олинмаган ўқитилувчи танланмада амалга ошириш мақсадга мувофиқ.

Диссертациянинг тўртинчи «**Маҳаллабаҳо қарор қабул қилишни қўллаб-қувватлаш тизимининг дастурий таъминоти натижалари**» номли бобида мониторинг ва қарорларни қўллаб-қувватлаш бўйича ишлаб чиқилган алгоритмларни қўллаш натижалари, тизимни умумлаштирилган баҳоларини ҳисоблаш жараёни натижалари ва «Маҳаллабаҳо» тизимининг алоҳида фаолият йўналишини параметрик баҳоловчи дастурий компонент хусусиятлари келтирилган.

Бобнинг биринчи параграфиди кўрсаткичларнинг вазн коэффициентларини аниқлашнинг турли усулларидан фойдаланган ҳолда, намуна сифатида ўз-ўзини бошқариш органлари ўқув фаолиятини умумлаштирилган баҳолашни ҳисоблаш жараёни батафсил келтирилган. Умумлаштирилган параметрик баҳоларни ҳисоблаш қарор қабул қилишни қўллаб-қувватлаш тизимининг алоҳида дастурий компонентини ташкил этади. Дастурий компонент киритилган кўрсаткичлар асосида фаолият соҳалари учун ва тўла маҳалла учун умумлаштирилган баҳони ҳисоблайди. Дастурий компонент C++ дастурлаш тилида ва онлайн равишда баҳолаш ва қарорларни қўллаб қувватлашни амалга ошириш учун PHP тилида яратилган.

Иккинчи параграфда тизим таркибий ташкил этувчилари ҳолатини умумлаштирилган баҳосини ҳисобловчи дастурий компонент хусусияти тавсифланган. (4-расм).

Маҳалланинг таълим фаолияти ҳолатини умумлашган параметрик баҳоловчи дастурий компонент ягона ойнага эга бўлиб бунда таълим фаолияти ҳақидаги бирламчи статистик маълумотлар киритилади ва натижалар маълумотлар базасида қайд этилади.

Кейинги параграфда кластерлаш натижаларини кластерли тахлили келтирилган. Кластерлаш мониторинг масаласини ечиш мақсадида амалга оширилган. Кластерлаш натижасида 5 та кластер ажратиб кўрсатилган. №1 ва №2 кластерлар кам сондаги, яъни мос ҳолда 75 ва 53 та объектларни барлаштириб олган. Ўз-ўзини бошқариш органларининг миқдори кўплиги билан характерланувчи №3, №4 ва №5 кластерлар мос ҳолда 103, 105 ва 109 объектлар тўпламини ҳосил қилган.



4-расм. Бирламчи статистик маълумотларни киритиш ва умумлашган баҳони ҳисоблаш ойнаси.

Ҳосил бўлган кластерларни кластерли таҳлил этишда ҳосил бўлган кластерлардаги объектлар кўрсаткичларининг ўртача қийматларини максимум ва минимум қийматларини солиштириш орқали амалга оширилади. Ўртача қийматларни таҳлили мавжуд муаммолар, уларни яширин сабаблари ва мос бошқарув қарорини шакллантиришда қулайлик яратади.

Бобнинг охириги параграфидида қарорларни қўллаб қувватлаш масаласи учун қурилган ҳар бир модель ва алгоритмларнинг 3 та турдаги тестловчи танланмалар учун алоҳида тажриба натижалари ва графиклари келтирилган.

ХУЛОСА

«Маҳаллий ўз – ўзини бошқариш органларида мониторинг ва қарор қабул қилишга кўмаклашувчи алгоритмлар» мавзусидаги диссертация иши бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижасида қуйидаги хулосалар тақдим этилди:

1. Ўз – ўзини бошқариш органларининг фаолияти вазифаларини, тузилишини, индикатив кўрсаткичлар таркибини, мониторинг ва бошқарув қарорларини қабул қилиш жараёнини автоматлаштириш даражасини тизимли таҳлил қилиш асосида аҳоли турмуш даражасини ошириш ва тизим

ҳолатини яхшилаш учун тезкор ва самарали ечимларни қабул қилишда ягона ахборот таҳлил базасининг мавжуд эмаслиги билан боғлиқ асосий муаммолар аниқланди.

2. Қўйилган мониторинг масаласини ечиш учун тизимнинг кўп компонентлилиги ва индикатив кўрсаткичларининг кўп жинслилик хусусиятини инобатга олган ҳолда машинали ўқитишга асосланган такомиллаштирилган кластерлаш алгоритми ишлаб чиқилди. Кластерлаш ва кластерлар таҳлили натижасида муаммоларни аниқлаш, расмийлаштириш ва бартараф этишда бир хил ёндошиш мумкин бўлган ўз – ўзини бошқариш органларининг алоҳида гуруҳларини аниқлаш имконияти вужудга келди;

3. Ўз-ўзини бошқариш органларини ташкил қилувчи ва индикатив кўрсаткичлари асосида ўзаро боғланган қисм тизимлар тўпламидан иборат ягона тизим сифатида акс эттирувчи ахборот базаси структураси ишлаб чиқилди.

4. Қарор қабул қилишни қўллаб-қувватлаш масаласини ечиш учун ишлаб чиқилган машинали ўқитишга асосланган алгоритмлар фаолият соҳаларининг умумлаштирилган параметрик баҳолари ва предмет соҳаси экспертлари таклиф этган қарорларни фоиздаги қийматларини қайта ишлаш асосида янги объект учун экспертлар таклиф этган қарорларни башоратлайди. Ишлаб чиқилган алгоритмларнинг сифат кўрсаткичларини қиёсий таҳлили натижалари асосида башоратлашнинг оптимал модел ва алгоритми синтез қилинади. Натижада маҳалла учун энг мос бўлган бошқарув қарорини башоратлаш имкониятига эга бўлинади.

5. Ўз-ўзини бошқариш органларининг ҳолати ва аҳоли турмуш даражасини акс эттирувчи асосий индикатив кўрсаткичларнинг турли жинслилигини инобатга олган ҳолда мониторинг ва қарор қабул қилишни қўллаб-қувватлаш учун ахборот-таҳлил тизимининг концептуал модели ишлаб чиқилди.

6. Маҳалла институтида ривожланиш ҳолатини мониторинглаш ва бошқарув вазифаларида қарор қабул қилишни қўллаб – қувватлаш жараёнини автоматлаштиришга қаратилган дастурий восита ишлаб чиқилди. Ушбу дастурий компонентларни қўллаш натижасида интерактив равишда вилоят ва туман кесимида, ҳамда алоҳида маҳаллани мониторинглаш ва қарор қабул қилишга кўмаклашиш имконияти вужудга келади.

7. Хоразм вилояти маҳалла ва оилани қўллаб қувватлаш бошқармаси, Шовот туман ҳокимлиги, Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек туман «Олимлар» ва Шовот туман «Бешмерган» маҳалласида ахборот - таҳлил базасига ишлов бериш асосида дастурий воситаларнинг тажриба синови ўтказилди. Илмий тадқиқот натижасида дастлабки маълумотларни сақлаш ва қайта ишлаш, мониторинглаш ва бошқарув ечимларини шакллантириш жараёнларининг унумдорлигини 1,15 марта оширишга эришилган.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.13/30.12.2019.Т.07.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ТАШКЕНТСКОМ УНИВЕРСИТЕТЕ
ИНФОРМАЦИОННЫХ ТЕХНОЛОГИЙ ИМЕНИ МУХАММАДА
АЛ-ХОРАЗМИЙ**

**НАУЧНО-ИННОВАЦИОННЫЙ ЦЕНТР ИНФОРМАЦИОННО-
КОММУНИКАЦИОННЫХ ТЕХНОЛОГИЙ ПРИ ТАШКЕНТСКОМ
УНИВЕРСИТЕТЕ ИНФОРМАЦИОННЫХ ТЕХНОЛОГИЙ ИМЕНИ
МУХАММАДА АЛ-ХОРАЗМИЙ**

РАХИМБОВЕВ ХИКМАТ ЖУМАНАЗАРОВИЧ

**АЛГОРИТМЫ МОНИТОРИНГА И ПОДДЕРЖКИ ПРИНЯТИЯ
РЕШЕНИЙ В МЕСТНЫХ ОРГАНАХ САМОУПРАВЛЕНИЯ**

05.01.02 – Системный анализ, управление и обработка информации

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО ТЕХНИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Ташкент – 2021

Тема диссертации доктора философии (PhD) по техническим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за №B2021.1.PhD/T2076.

Диссертация выполнена в Научно-инновационном центре информационно-коммуникационных технологий при Ташкентском университете информационных технологий имени Мухаммада ал-Хоразмий.

Автореферат диссертации на трёх языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета (www.tuit.uz) и на Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» по адресу www.ziyo.net.uz.

Научный руководитель: **Исмаилов Мирхалил Агзамович**
доктор технических наук, профессор

Официальные оппоненты: **Бобомурадов Озод Жураевич**
доктор технических наук
Сулюкова Лариса Фаритовна
доктор технических наук


Ведущая организация: **Ташкентский государственный технический университет**


Защита диссертации состоится «26» ноябрь 2021 г. в 16⁰⁰ часов на заседании Научного совета DSc.13/30.12.2019.T.07.01 при Ташкентском университете информационных технологий имени Мухаммада аль-Хоразмий (Адрес: 100200, г. Ташкент, ул. Амира Темура, 108. Тел.: (99871) 238-64-43; факс: (99871) 238-65-52; e-mail: info@tuit.uz).


С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентского университета информационных технологий имени Мухаммада ал-Хоразмий (регистрационный номер 229). (Адрес: 100200, г. Ташкент, ул. Амира Темура, 108. Тел.: (99871) 238-65-44).

Автореферат диссертации разослан «10» ноябрь 2021 года.
(протокол рассылки № 35 от «27» сентябрь 2021 г.)




Р. Х. Хамдамов
Председатель научного совета по
присуждению учёных степеней,
доктор технических наук, профессор


Ф.М.Нуралиев
Ученый секретарь научного совета по
присуждению учёных степеней,
доктор технических наук, доцент


А.В. Кабулов
Председатель научного семинара при научном
совете по присуждению ученых степеней,
доктор технических наук, профессор

ВВЕДЕНИЕ

Актуальность и востребованность темы диссертации. В мире огромное внимание уделяется ключевым составляющим государственного управления – повышению качества и уровня жизни граждан. Одним из направлений решения этой задачи в мировом масштабе является использование новейших информационных технологий, создание электронного правительства, основанного на информационных и коммуникационных технологиях систем управления, мониторинга и принятия управленческих решений, как факторов повышения качества управления и жизненного уровня населения. Оценкой и управлением качеством жизни в государствах мира занимаются несколько организаций, располагающих своеобразными методами и способами оценки, в частности, Организация Объединенных Наций, Numbeo, Организация экономического сотрудничества и развития и др. В зарубежных странах, особенно в Германии, Нидерландах, Норвегии, Швейцарии, Франции, Финляндии, Эстонии, Польше, Великобритании и Российской Федерации существенное внимание уделяется разработке методологий мониторинга, принятия управленческих решений и создании программ развития региона и повышения качества жизни населения с применением достижений науки и новейшей технологии.

В мире современных социально-экономических условий при принятии управленческих решений велик фактор неопределенности как в хозяйственной, так и в социальной сферах. Нечетко сформулированные цели управления и критерии оценки эффективности их достижения, «разорванность» по отраслям при решении комплексных проблем, несовершенство информационного обеспечения принятия решений снижают эффективность управления. Решение этих проблем требует не только практического, но и научного совершенствования процесса управления, включая использование систем поддержки принятия управленческих решений с применением методов и алгоритмов машинного обучения.

В республике особое внимание уделяется усилению эффективности деятельности органов самоуправления граждан, сближению органов самоуправления и населения, повышению в его жизни роли махалли и превращению ее в народную структуру, представляющую общие интересы граждан в деле повышения качества их жизни. В Стратегии действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан в 2017 – 2021 годах отмечены конкретные задачи по усилению роли махалли, направленные на «... повышение значения и эффективности деятельности института махалли в общественном управлении, ... внедрение современных информационно-коммуникационных технологий»¹.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, предусмотренных Указами Президента Республики

¹ Указ Президента Республики Узбекистан «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан» УП-4947 от 7 февраля 2017 года.

